

Мозий муҳридир музей

Янги ўқув йили бошланиши муносабати билан институтимиз ректорининг буйруғини бажариш мақсадида "Ер ресурсларини бошқариш" факултети профессор-ўқитувчилари томонидан "Биринчи курс мактаби" тадбирлари доирасида фойдаланиши учун "Институтда таълим олишни ўрганамиз" мавзусида биринчи курс талабаларига очик дарслар ва тренинглар ташкил этилди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида 7 - сентябр куни факултет профессор- ўқитувчилари ва биринчи курс талабалари билан Пойтахтимизда жойлашган Темурийлар музейига ташриф буюришди. Ташрифдан мақсад ёшларни ўз тарихини билиш, миллий ва умумбашарий кадриятларимизни авайлаб асраш каби инсоний меҳр-муҳаббатни қалбига мустаҳкамлашдир.



“Геодезия ва геоинформатика” кафедраси ўқитувчиси Ўткир Исломов ахбороти
Институт Матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов